



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 75 (13.408)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МДҲ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ РАИСИ – ИЖРОЧИ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев 6 апрель
куни Мустақил Давлатлар
Ҳамдўстлиги Ташқи ишлар вазирлари
кенгашининг навбатдаги мажлисида
иштирок этиш учун мамлакатимизга
келган МДҲ Ижроия қўмитаси раиси –
Ижрочи котиби Сергей Лебедевни
қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, Ҳамдўстлик доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлаш масаласига муҳим аҳамият қаратаётганини алоҳида таъкидлади. Бугунги кунда МДҲ кўп томонлама ҳамкорлик, иқтисодийнинг турли тармоқларида қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашиш ва муҳокама этиш учун ўзига хос майдон ҳисобланади.

Сўхбат чоғида МДҲ доирасида эркин савдо зонасининг тўлақонли фаолият юритишнинг таъминлаш, шунингдек, транспорт-коммуникация тармоқларини жадал ривожлантириш ва бутун минтақанинг транзит салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилаётгани, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистонни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилангани, Президентнинг виртуал қабулхонаси, жойларда ташкил этилган Халқ қабулхоналари одамларнинг талаб ва истакларини рўйбга чиқараётгани, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили доирасидаги ишлар юртдошларимизнинг давлатга ишончини мустақамлаётгани таъкидланди.

С.Лебедев Президентимизга самимий қабул, Тошкент шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда Ўзбекистон Республикаси фаол иштирок этгани учун миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлиси самарали ўтишига муваффақият тилади.

ЎЗА

Сергей ЛЕБЕДЕВ:

ЎЗБЕКИСТОН ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА

**Ўзбекистон Мустақил Давлатлар
Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан
ҳамкорликни изчил ривожлантирмоқда. Шу
кунларда пойтахтимизда МДҲ Ташқи ишлар
вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси
бўлиб ўтмоқда.**

**МДҲ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей
ЛЕБЕДЕВ бу ҳақда ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб
берди:**

Ўзбекистон Республикаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида муҳим ўрин тутadi. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов тузилма фаолиятини тақомиллаштириш, минтақавий хавфсизликни мустақамлаш, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди. Бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёев олиб бораётган ташқи сиёсат ҳам минтақамиз учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Президентини илк давлат ташрифларини Туркменистон, Қозоғистон ва Россияга амалга оширган мамлакатингиз ташқи сиёсатда яхши қўшничилик муносабатларига алоҳида эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашганимдан гоят хурсандман. Сўхбатимиз кенг қамровли ва жуда мазмунли бўлди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлисини ўтказиш учун яратилган ажойиб имкониятлардан миннатдоримиз.

Иштирокчи давлатлар ва МДҲ Ижроия қўмитаси вакиллари Келишув мажлиси муваффақиятли ўтди. Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлиси кун тартибига 16 ҳужжат лойиҳаси киритилган. Улар Ҳамдўстлик мамлакатларининг сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳуқуқий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни мустақамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш масалаларига қаратилган.

Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Тошкентдаги мажлиси МДҲ доирасидаги алоқалар ривожига муҳим воқеа бўлишига ишонаман. Ўзбекистон халқига янада тараққиёт, бахт ва фаровонлик тилайман.

А.САМАДОВ
ёзиб олди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Ш.М.МИРЗИЁЕВ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ В.В.ПУТИННИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2017 йил 4-5 апрель кунлари давлат ташрифи билан Россия Федерациясида бўлди.

Анъанавий дўстона, ишонч ва конструктив муҳитда ўтган музокарада Президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорликнинг ҳолати ҳамда уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар, тенг ҳуқуқчилик, ўзаро ҳурмат ва бир-бирларининг манфаатларини ҳисобга олиш принципларига асосланган давлатлараро мулоқотнинг юқори даражада эканлигини тасдиқладилар.

Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги даражада ривожланишига имкон берадиган 2004 йил 16 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамда 2012 йил 4 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияни амалга оширишнинг долзарблгини тасдиқладилар.

Президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиги бундай муносабатларнинг муҳим таркибий қисми эканлигини таъкидладилар. Давлат раҳбарлари икки томонлама савдо айланишлари, энг аввало, юқори даражада қайта ишланган маҳсулотлар ва иккала томон учун қизиқиш уйғотадиган бошқа товарларни ўзаро етказиб беришни кенгайтириш ҳисобига кескин оширишни таъминлаш каби фаолиятга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссия фаолиятини юқори баҳоладилар.

Президентлар Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларини Россия бозорларига, шу жумладан, "яшил йўлак" тизимини жорий қилиш орқали етказиб беришни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳамкорлигини муваффақиятли ривожини мамнуният билан қайд этдилар.

Президентлар икки мамлакат минтақалари ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни жадаллаштириш учун Минтақалараро ҳамкорликка қўмаклашиш тўғрисида битим имзоланишининг аҳамиятини таъкидладилар.

Икки мамлакат ўртасида туристик алмашинуви кенгайтириш истиқболлари қайд этилди. Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин Туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида битимнинг имзоланиши икки мамлакат туристик салоҳиятида янада тўлиқроқ фойдаланишга, туризм соҳасида субьектлари ўртасида ўзқ мўддатли шериклик алоқаларини ўрнатишга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси халқлари ўртасида дўстлик ва ўзаро ҳурматни янада мустақамлашга хизмат қилишини тасдиқладилар. Ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорликни янада мустақамлаш икки мамлакат ўртасида туристик ва гуманитар алмашинуви ривожлантиришга қўмаклашиши эътироф этилди.

Президентлар ташқи бозорларга энг қисқа ва самарали чиқишни таъминловчи транспорт ва транзит йўлакларини ривожлантириш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлигининг устувор хусусиятини қайд этдилар. Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси темир йўллари иштирокида ташқи савдо юқларини ташвишда рақобатбардор тарифларни шакллантириш масалалари бўйича изчил ҳамкорлик қилиш амалдаги транспорт йўлакларини самарали иш юқламаси билан таъминлашга имкон яратиши таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин нефть ва газ соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилишларини билдирдилар.

Давлат раҳбарлари Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкилий асосда қабул қилиш ва жалб этиш тўғрисида битим, шунингдек, Миграция соҳасида ваколатли органларнинг ваколатхоналарини ўзаро таъсис этиш тўғрисида битим имзоланишининг аҳамиятини юқори баҳоладилар ҳамда миграция соҳасида ҳамкорлигининг халқаро тан олинган шакллари янада ривожлантиришга қўмаклашишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Президентлар солиқни сақлаш ва табибий таълим соҳасида, бундай фаолиятнинг муҳим элементлари ҳисобланган икки мамлакатнинг илгор табибий ва илмий-тадқиқот марказлари ўртасида алоқаларни кенгайтириш, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини амалга ошириш, тажриба алмашиш, шунингдек, Ўзбекистон Россиянинг етакчи табибий марказлари филиаллари ва ваколатхоналарини ташкил этишда яқин ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини таъкидладилар. Шу муносабат билан Солиқни сақлаш, табибий таълим ва фан соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланиши-

ни олқишладилар ҳамда бундай ҳамкорлик икки давлат халқлари ўртасида дўстона муносабатларни мустақамлашга салмоқли ҳисса қўшишига ишонч билдирдилар.

Давлат раҳбарлари икки томонлама маданий-гуманитар ҳамкорлик ривожининг изчил хусусиятини қайд этдилар ҳамда фан, таълим, спорт, маданият, санъат ва туризм соҳасида алоқаларни фаоллаштиришдан ўзаро манфаатдор эканликларини тасдиқладилар. Президентлар А.С.Пушкин номидаги давлат тасвирий санъат музейида ташкил этилган И.В.Савицкий номидаги давлат санъат музейи (Нукус шаҳри) фондидagi асарларнинг биринчи сайёр кўргазмасини муҳим маданий тадбир сифатида баҳоладилар ҳамда 2017 йилда Россияда Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказиш тўғрисида келишиб олдилар.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллигини нишонлаш доирасида концертлар, фото ва бадий кўргазмалар ҳамда бошқа маданий ва ижтимоий тадбирларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар икки томонлама муносабатларни мустақамлашга, шунингдек, кенг жамоатчиликни Ўзбекистон ва Россия халқларининг тарихи, маданияти ва аъёналари билан таништиришда Ўзбекистон ва Россия давлат оммавий ахборот воситаларининг муҳим ролини қайд этдилар.

Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш тарафдоридилар. Бунда Ўзбекистон фуқароларига давлат, маҳаллий ва бошқа хизматларни кўрсатиш самарадорлигини ошириш учун Россиянинг электрон ҳукумат технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш соҳасидаги салмоқли тажрибасидан фойдаланиш мумкинлиги қайд этилди.

Россия Федерацияси Президенти Ўзбекистон Республикасида миллатлараро тотувликни мустақамлаш, турли элатларнинг тили, урф-одат ва аъёналарини асраш, ривожлантириш ҳамда келахак авлодга етказиш бўйича амалга оширилаётган сиёсатни юқори баҳолади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасида рус тили ҳамда рус тилида таълим бериш маконини сақлаб қолиш ва қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти қайд этилди. Давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикасида рус тили мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини таъминлаш, шунингдек, Россия Федерацияси етакчи олий таълим муассасаларининг филиаллари тармоғини кенгайтириш бўйича кейинги қадамларни олқишладилар. Тоғонлар бундан кейин ҳам икки давлат ўртасидаги талабалар алмашинуви кенгайтирадилар.

Президентлар ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, 2016 йил 29 ноябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартнома ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги ўртасида 2017 йилга мўлжалланган икки томонлама ҳамкорлик дастурини амалга татбиқ этиш тарафдоридилар.

Президентлар томонларни қизқитган минтақавий ва халқаро кун тартибидagi долзарб масалалар бўйича фикр алмашдилар.

Терроризм, сепаратизм, экстремизмнинг барча шакллари, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркотик воситаларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва уларнинг муомалада бўлиши, қуроллар, асқла ва портловчи моддаларнинг ноқонуний савдоси ҳамда ноқонуний миграцияга қарши курашиш икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳамкорлигининг устувор асосидир.

Давлат раҳбарлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти глобал хавфсизликни сақлашга қўмаклашадиган етакчи универсал халқаро тузилма, давлатлараро ва халқаро муаммоларни ечиш учун асосий майдон бўлиб қолаётгани эътиборга олган ҳолда, халқаро муносабатларда унинг марказий мувофиқлаштирувчи ролини мустақамлаш тарафдори эканликларини тасдиқладилар. Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси, биринчи навбатда, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, давлатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, мустақиллик, тенглик, суверенитетни ўзаро ҳурмат қилиш, ҳудудий ахиллик, чегаралар дахлсизлиги, ҳужум қилмаслик, ички ишларга аралашмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмасликка доир халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари ҳамда БМТ Низоми мақсад ва принципларига бундан кейин ҳам содиқ қолиш ниятидирлар. Президентлар суверен давлатларда ҳокимиятнинг конституцияга зид равишда ўзгарилиши қўллаб-қувватлаш бўйича ҳаракатларни халқаро масалаларда қабул қилиб бўлмайдиган ҳолат сифатида баҳоладилар.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Мус-

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Москва, 2017 йил 5 апрель

тақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ҳамкорликни ривожлантиришга, шунингдек, ўшбу кўп томонлама механизмлар афзалликларида тўлақонли фойдаланишга интилишларини тасдиқладилар.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги ҳамкорлик ўзаро манфаатларни ва яратилган шартномавий ҳуқуқий базани ҳисобга олган ҳолда давлатлараро бево-сита мулоқотни сақлаш, фикрлар алмашиш ва долзарб масалаларни муҳокама қилиш бўйича муҳим инструмент ҳисобланиши қайд этилди. Ўзбекистон ва Россия МДҲ-нинг барча иштирокчилари олдида турган долзарб масалаларни ҳал этиш учун Ҳамдўстлик самарадорлигини ошириш ва салоҳиятини намойён қилишга фаол қўмаклашадилар.

Ўзбекистон ва Россия 2002 йил 7 июнда имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Хартияси, 2007 йил 16 августда имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзо давлатларнинг ўзқ мўддатли ахил қўшничлиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги шартномаси, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 2025 йилгача Ривожланиш стратегияси ҳамда Ташкилотнинг бошқа асосий ҳужжатларида белгиланган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажариш учун Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида конструктив ҳамкорликни амалга оширишни давом эттирадилар.

Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислам Республикасида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига тўла ҳуқуқли аъзолик тақдим қилиниши Ташкилот салоҳиятини кенгайтиришга ҳамда минтақадa ҳозирги замон долзарб муаммоларини ҳал этиш, хавфсизлик, барқарорлик ва турғун ривожланишни таъминлашга қўмаклашадиган кўп томонлама механизм сифатида унинг халқаро майдондаги ролини янада оширишга қўмаклашиши қайд этилди. Уфада 2015 йилнинг июль ойида бўлиб ўтган ШХТ саммитида аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан Ҳиндистон ва Покистон Ташкилот аъзолигига қабул қилиш процедурасини бошлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиниши ҳамда Тошкентда 2016 йилнинг июль ойида бўлиб ўтган ШХТ саммити якунлари бўйича ШХТга аъзо давлат маконини олиш мақсадида Ҳиндистон ва Покистоннинг мажбуриятлари тўғрисида меморандумлар имзоланиши ўшбу жараёнинг муҳим босқичлари ҳисобланади.

Президентлар Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка тезроқ эришиш Марказий Осиё ва қўшни минтақаларда хавфсизликни сақлаш ва мустақамлашнинг муҳим омилли ҳисобланади, деган ақидил фикрлар ҳамда бунинг учун зарур кўмак қўратишни давом эттиришга тайёрликларини таъкидладилар. Қарама-қарши курашаётган қучлар ўртасида миллий ярашув жараёнини илгари суриш, сиёсий тартибга солиш ва келишувга эришиш йўли билан Афғонистон ички моjarосини ҳал этиш зарурлиги қўллаб-қувватланди. Ушбу саъй-ҳаракатлар афғонлар бошчилигида ва афғонларнинг ўзлари томонидан амалга оширилиши лозим. Афғонистондаги вазият билан боғлиқ халқаро ҳамкорликни, шу жумладан, ўшбу давлат иқтисодийни қайта тиклаш ва унинг аҳолиси фаровонлигини яхшилаш масалаларида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти марказий мувофиқлаштирувчи ўрин тутуши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Марказий Осиёда суверен фойдаланишнинг ўзаро манфаатли ва адолатли тизимини халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари асосида ҳамда минтақанинг барча мамлакатлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш тарафдори бўлишни давом эттирадилар.

Давлат раҳбарлари бўлиб ўтган самарали музокара-лар, шунингдек, таширф давомидa имзоланган икки томонлама ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида анъанавий дўстона муносабатларни тенг ҳуқуқчилик ва манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш асосида янада мустақамлашга қўмаклашишга ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон томони Россия томонига Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасини абадийлаштириш – Москва шаҳрининг тарихий марказида Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонаси билан ёнма-ён жойлашган хиёбонга унинг номини бериш ҳамда хиёбон ҳудудига Ислам Каримовга ҳайкал ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги муносабати билан самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга ва барча Россия халқига Ўзбекистон делегациясига қўрсатилган меҳмондўстлик ва самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ҳамда Россия Федерацияси Президентига давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлишни таклиф қилди. Таклиф мамнуният билан қабул қилинди. Таширф мўддатлари дипломатик каналлар орқали келишилади.


**Россия Федерацияси Президенти
Владимир ПУТИН**

имом-хатиблар, профилактика инспекторлари иштирок этди.



● Индонезия ҳукуматининг кўрсатмасига асосан ўшбу мамлакатга тегишли суварларда ноқонуний тарзда балиқ ови билан шуғулланаётган 81 та кема чўктириб юборилди. Ушбу кемалар Вьетнам, Филиппин, Малайзия ва Таиландга тегишли бўлиб, бундай хатти-ҳаракатлар Индонезияда 2014 йилдан буён амалга ошириб келинмоқда. Жорий йил бошидан буён чўктирилган кема-лар сон 317 тани ташкил этади.

● Берлиндаги Бодe музейидан 2007 йилда Буюк Британия кироличаси Елизавета II шарафига Канадада зарб қилинган 100 килограммлик улкан тилла танга ўғирлаб кетилди. Таъкидлаш жоизки, ягона нусхада таёйрланган ўшбу ноёб танганинг қиймати 4 миллион евро атрофидадир.



● Урганчада "Ёш чегарачилар" мусобақасининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада ёш чегарачилар чакконлик ва зукколикни талаб этувчи 12 шарт бўйича ўзларининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимини, жисмоний ва маънавий салоҳиятини намойиш этди.

Амир Темур ва темурийлар давлати бутун дунёда ҳайрат ва ҳавас уйғотган. Бу шонли давр собиқ тузум тазйиқи остида юртимизда унуттирилган пайларда ҳам хорижда катта қизиқиш билан ўрганилган. Францияда 1988 йилдан бери Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганувчилар ассоциацияси фаолият юритиб келаётгани фикримизнинг далилидир.

9 апрель – Амир Темур таваллуди куни

АМИР ТЕМУР ФЕНОМЕНИ МЕНИ РОМ ЭТГАН

ЎЗА мухбири мазкур ассоциация президенти, тарихчи олима Фредерик Боперти-БРЕССАНД билан интернет орқали суҳбатлашди.

– **Мухтарама Фредерик хоним, Соҳибқирон бобомиз ҳаётига қизиқишингизга, Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганувчилар ассоциациясини ташкил этишингизга нима сабаб бўлган?**

– Амир Темур оддий аскарликдан буюк саркарда даражасига чиққан, Мовароуннахрдан Хиндистонга Европагача, Араб денгизидан Сибиргача бўлган улкан ҳудудда кучли давлат барпо этган нодир шахсдир. У тарихдаги бошқа жаҳонгирлардан фарқли равишда бунёдкорлик, илм-фан, маданият ривожига катта эътибор қаратган. Олимлар, меъморлар, ҳунармандлар, табиблар, файласуфлар, шоирлар машоққатларга ҳам қўл қўйган. Темур, унинг набираси Мирзо Улуғбек ва бошқа темурийзодалар томонидан ҳамма жойда масжид ва мадрасалар, макбаралар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, шиғохонлар, боғлар, каналлар қурдирилган. Мовароуннахр, Эрон, Хиндистон, Хитой ва бошқа ўлкалардаги маданиятлар синтези темурийлар санъатини юксак даражага кўтарган. Соҳибқирон давридаги тараққиёт Европада уйғониш жараёнига ҳам ҳаётбахш таъсир этган.

Амир Темур халқро савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйган, бу борада ҳам қатъий тартиб-интизом ўрнатган. Бунини Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VI билан махтуб алмашганида яққол кўриш мумкин.

кин. Испания қироли Генрих III ва Англия қироли Генри IV ҳам Амир Темур саройига элчи жўнатган.

XV асрдаёқ Европада Амир Темурга ёдгорлик ўрнатилган, у ҳақда кўплаб илмий, бадиий асарлар яратилган.

Биз ёшлигимиздан ана шуларни ўқиб улгайганимиз ва Амир Темур феномени мени ўзимга ром этган. Илмий конференцияларда катнашиб, олимлар билан суҳбатлашиб билдимки, Амир Темур шахсига қизиқувчилар кўп экан. Урта асрлар Шарқ ренессанси, Амир Темур давлатининг қудрати ва аҳамияти ҳақида соатлаб гаплашиб тўймасдик. Бу олимларни бирлаштириш, улар ўртасида илмий мулоқотни йўлга қўйишга эҳтиёж сезилди. Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганувчилар ассоциацияси шу тахлит ташкил этилган.

– **Ассоциация томонидан қандай ишлар амалга оширилди? Яна нималар режалаштирилмоқда?**

– Ўзбекистон мустақилликка эришган, Президент Ислам Каримов ташаббуси билан тарихий адолатни тиклаш, буюк шахсларнинг ҳаёти ва бебаҳо меросини ўрганиш, қадамжоларини обод этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу европалик тадқиқотчилар учун ҳам ажойиб имконият яратди. Биз Амир Темур туғилиб ўсган юрт – Ўзбекистонга бориш, Самарқанд ва Шаҳрисабзни ўз кўзимиз билан кўриш бахтига муяссар бўлдик. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтини, Темурийлар тарихи давлат музейи ва бош-

қа ташкилотлар билан алоқалар ўрнатди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг ўз Ватани тарихини чуқур билиши, бундан фохланиши мени қўйил қолдирарди. Бунга 1994 йили Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, 1996 йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги юбилейларида иштирок этганимизда амин бўлганман. Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида ўтган “Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши” кўргазмаси ҳам улкан воқеа бўлган эди.

Франциялик танқидчи олим, ассоциациямизнинг ўша пайтдаги президенти, профессор Люсьен Керэн Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини, темурийлар даврининг бой маънавий қадриятларини кўп йиллар давомида самарали илмий тадқиқ этгани, Франция ва Ўзбекистон халқлари маданиятини яқинлаштириш ва ҳамжиҳатлигига қўшган шахсий ҳиссаси учун Ўзбекистоннинг “Шўхрат” медали билан тақдирланган.

2007 йили Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи доирасида ўтказилган халқаро конференцияда “Темурийлар даври мусикаси” мавзусидаги маърузам билан катнашдим. “Мовий Самарқанд” ва “Сехрли Самарқанд” номли китоб-альбомларим Парижда нашр этилди.

Ассоциациямиз Ўзбекистон маданияти ва санъатини Франция, умуман, Европада кенг тарғиб қилиб келмоқда. Хусусан, Парижда Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчие-

ванинг концерти, рассом Бобур Исмоилов ва қўлол Абдулло Нарзуллаевнинг кўргазмалари ташкил этилди.

Франция журналларида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтини олимлари томонидан Самарқанд, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларига бағишланган мақолалар нашр қилинди.

2016 йили Германия пойтахти Берлинда ўтказилган “Алишер Навоий ва унинг ҳаёт адабиёти ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси” мавзусидаги халқаро конференцияда ассоциациямиз аъзолари ўз маърузалари билан катнашди.

Ассоциациямизнинг “La Timuride” (Темурийлар) номли журнали бор. Унда Амир Темур ва темурийлар тарихига оид янги тадқиқотлар натижалари, маданий-маърифий тадбирлар ёритиб келинмоқда.

Режаларимизга келсак, улар жуда кўп. Масалан, Франциядаги машҳур Лувр музейида Ўзбекистон тарихи ва маданиятига бағишланган катта кўргазма ташкил этишни режалаштирганмиз.

Темурийлар тарихининг ҳали очилмаган қирралари кўп, бизда янги-янги гоғлар, мақсадлар мавжуд. Бу буюк тарихни дунёда тарғиб этиш, Франция билан Ўзбекистон ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришга ҳисса қўйсак, ўзимизни бахтиёр сезамиз.

Анвар САМАДОВ
суҳбатлашди



ТАШРИФ ДАВОМИДА 16 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 4-5 апрель кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташриф асносида 16 миллиард долларлик 50 дан ортиқ ҳужжат имзоланди. Бу Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги юксак даражада ривожланиётганининг ёрқин ифодасидир.

Ушбу тарихий воқеада қатнашган вазирилик, идора ва компаниялар раҳбарлари ЎЗА мухбирига мазкур ҳужжатларнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.

Алишер ШОДМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси солиқни сақлаш вазири:

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда солиқни сақлаш соҳасида кенг қамровли ишловлар амалга оширилмоқда. Замоновий тиббиёт ютуқларидан фойдаланиш, тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига давлат ташрифи давомида солиқни сақлаш соҳасида ҳам бир қанча истиқболли келишувларга эришилди. Ўзбекистон Солиқни сақлаш вазирилик билан Россия Федерацияси Солиқни сақлаш вазирилик ўртасида икки мамлакат етакчи тиббий ва илмий-тадқиқот марказларининг ўзаро алоқаларни кенгайтириш, мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини амалга ошириш, тажриба алмашиш, шунингдек, Ўзбекистонда Россиянинг етакчи тиббий марказлари филиаллари ва ваколатхоналарини очиб бўйича 13 шартнома имзоланди.

Шартномаларга мурофиқ мамлакатимиз тиббиёт соҳаси вакиллари Россиянинг ривожланган тиббиёт муассасаларида малака оширади, россиялик етакчи мутахассислар Ўзбекистонда беморларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва даволаш ишларида катнашади ва ҳамкорликда бошқа тадбирлар амалга оширилади.

Жамид КҲЧКОВ, Ўзбекистон Республикаси молия вазири:

– Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига давлат ташрифи давомида салмоғи жиҳатидан кенг қўламли битимлар ва шартномалар имзоланди.

Ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси муносабатларида муҳим ўрин тутди. Давлат раҳбарлари икки томонлама савдо айланишини, аввало, юқори даражада қайта ишланган замонавий маҳсулотлар ва иккала томон учун фойдали бўлган бошқа товарлар етказиб беришни кенгайтиришга келишиб олдилар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташрифи давомида эришилган келишувлар, имзоланган 50 дан ортиқ ҳужжат Ўзбекистон ва Россия тараққиётига, икки мамлакат халқларининг фаровонлигига янада юксалтиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ва халқро майдонда обрўсини янада ошириш, янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлади.

Маҳмуд МУРОТОВ, Ўзбекистон Республикаси маданий вазири:

– Президентимизнинг Россияга давлат ташрифи давомида эришилган келишувлар самарасида икки мамлакатнинг ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилди. Бу натижаларни маданий-гуманитар соҳада ҳам кўриш мумкин.

А.Пушкин номидаги давлат тасвирий санъат музейида ташкил этилган И.Савицкий номидаги давлат санъат музейи фондидаги асарларнинг биринчи сайёр кўргазмаси бу борадаги ишларнинг амалий ифодаси, десак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида 2016-2018 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги дастур ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2016 йил 19 октябрдаги “Олтин куз” халқро санъат фестивалини ўтказиш тўғрисидаги мажлис баёни ихроси юзасидан мамлакатимизда Россия кунлари бўлиб ўтди. Тадбирларда Россиянинг таниқли маданияти ва санъат намоёндалари иштирок этганини алоҳида таъкидлаш керак.

Президентимизнинг давлат ташрифи чоғида 2017 йил Россияда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказишга келишиб олинди.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан концертлар, фото ва бадиий кўргазмалар ҳамда бошқа маданий тадбирлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бахтиёр САИДОВ, “Ўзбекингилсанот” акциядорлик жамияти раиси ўринбосари:

– Бугун мамлакатимизда енгил санот соҳаси жадал ривожланишда бўлиб келмоқда. Бу давлатимиз раҳбарининг соҳага қаратаётган алоҳида эътибори самарасидир. Президентимиз деҳқонларимиз етиштирган пахтани юртимизда қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот сифатида дунё бозорига чиқариш гоёт муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаган.

Бунинг учун мамлакатимизда етарли шароитлар бор. Серкўш заминимизда етиштирилган пахта толаси ўзининг пишиқлиги ва юқори сифати билан ажралиб туради. Дунё бозорига Ўзбекистон пахта толасига талаб юқори. Бугунги кунда дунёнинг етакчи компаниялари билан бу борада ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Россия Федерацияси билан ҳам мазкур соҳада самарали келишувларга эришилди.

Президентимизнинг Москвага ташрифи давомида соҳани янада ривожлантириш, янги технологияларни жорий этиш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича муҳим қадамлар қўйилди.

А.ЎРОЗОВ
ёзиб олди.

ИҚТИСОДИЙТИМИЗ ТАЯНЧИ

Олмазор тумани ҳокимлигида мутасадди идоралар раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари қарздорлигини ундириш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Тадбирда Олмазор туманидаги маҳалла фуқаролар йиғини раислари, таълим муассасалари раҳбарлари, тиббиёт, тижорат банклари ҳамда коммунал соҳа вакиллари иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар солиқлар иқтисодимиз таянчи эканлиги, солиқларни ўз вақтида тўлаб бориш ҳар бир фуқаронинг юксак бурчи эканлигини таъкидлашди.

Йиғилишда Олмазор тумани ҳудудига жойлашган барча маҳаллалардаги объекتلарнинг мол-мулк ва ер солиқларидан солиқ қарзини ундирилишида ўраётган муаммолар ва йўл қўйлаётган камчиликлар очик-ошкоро муҳокама этилди.

Дарҳақиқат, Олмазор туманида ҳам солиқлардан қарздор бўлган жисмоний шахслар учрайди. Мақсад уларга тўғри тушуниришлар орқали қарздорлиқни бартараф этиш чораларини кўриш.

– Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида “Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар” дейилган, бундан ташқари солиқ Кодексининг 6-моддасида “ҳар бир фуқаронинг белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш шарт”лиги белгиланган бўлиб, – дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси солиқ бўйича қарзларни мажбурий ундириш бошқармасининг бош инспектори Доно Норова. – Шунингдек, йиғилишда бугунги кундаги долзарб масала бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда амалдаги қонунчилик талабларига риоя этилиши бўйича Тошкент шаҳар прокуратураси масъул ходимлари томонидан тегишли тушунтиришлар берилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг тасдиқлаган режасига асосан бу каби йиғилишлар пойтахтимизнинг бошқа туманларида ўтказилиши келишиб олинди.

Ш. ЗОКИРОВ

Пайшанба – профилактика куни

ОГОҲЛИК ВА ЯҚДИЛЛИК КУНИ

Ёрдам сўраган аёлнинг овози барчани сергак торттирди. Унинг ёнига етиб келган ички ишлар олдими аёлнинг пуллари зўрлик билан тортди олиб кетилганлари аниқлади...

Сир эмас, жиноятчилар кўпинча аҳоли гавжам жойлар, айниқса, бозорлардан “ўлжа” қидиради. Бундай ҳудудларда хизмат ўтаётган ички ишлар органлари ходимлари ҳам бунини яхши билади. Шунинг учун ҳам Бектемир тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари туманда жойлашган “Қўйлик” деҳқон ва буюм бозорларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратади. Мазкур бозорларни видеокамералар орқали кузатиш билан бирга ички ишлар органлари ходимларининг бевосита назорати ҳам қатъий амалга оширилади.

Деҳқон бозори ҳудудига тезкор “Тузок” тадбири эълон қилинди. Рация орқали ўрнининг белгилари ҳақида хабар берилди. Ўғри бозордан чиқиш кетишга ҳам улғурмади. Унинг чўнтагиндан аёлга тегишли бўлган 253 минг сўм пул далилий ашё сифатида олинди. Рад қилиб бўлмайдиган далил олинди. Х. исмли фуқаро ноилжол қолди.

– Ҳар бир жиноятни вақтида очил, бундай ҳолатларга йўл қўяётган шахсларни улар истикомат қилаётган маҳаллаларда аҳоли иштироки-

да муҳокама қилиш қўтилган самарани бермоқда, – дейди Бектемир тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғининг профилактика бўйича ўринбосари Маҳкам Вафоев. – Президентимиз томонидан қўйилган талаб асосида ишчимизнинг ана шундай асосда қайта ташкил этилгани бунга замин яратди. Натижада жиноятлар камайиши билан бирга маҳаллаларда соғлом муҳит янада барқарорлашганга яққол кўзга ташланмоқда.

Кенг жамоатчилик, ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофиза қилиш органлари вакиллари иштирокида ҳар пайшанба куни жиноятларнинг олдини олишга доир комплекс тадбирлар ўтказилаётгани хайрли иш бўлди. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида мамлакатимизнинг 5,2 мингдан зиёд маҳалласида бирорта ҳам жиноят содир этилмагани шунинг натижасидир.

– Профилактика кунинда ёшлар ва воёга етмаганлар ўртасидаги маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш алоҳида эътиборда, – дейди Бектемир тумани прокуратураси терговчиси Дилшод Ҳазратқулов. – Уларни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, ўқувчи ва тала-

баларнинг машғулотларда катнашиш давомати муҳокама қилиш, бу борада тартиб ўрнатиш юзасидан таълим муассасалари маъмурияти ва ота-оналар жавабдорлигини ошириш бўйича таъкилий-тушунтириш тадбирлари ўтказилаётган. Натижада таълим муассасаларида ўқувчиларнинг дарсга катнашиш кўрсаткичи кескин ошди.

Тумандаги мактабларда айни пайтда даволат 95 фойздан зиёдин ташкил этмоқда. Демак, дарс қолдираётганлар кам бўлсада ҳамон учраб турибди. Профилактика кунинда тумандаги 293-умумий ўрта таълим мактабиди бўлди. Юқори синфлардан бирида ўқувчиларнинг дарс жараёнини кузатиш асосида турт ўқувчи дарсга келмагани аён бўлди. Шулардан иккитаси бетоб, қолгани сабабсиз. 1,8 мингга яқин ўқувчи таълим олаётган бу даргоҳда даволат 4-5 фойз кам бўлса, 80-90 бола дарсга келмаганини аниқлади. Шунча боланинг қаровисиз қолаётгани ташвишланарли ҳолат, албатта.

Профилактика кунинда тумандаги Роҳат маҳалласида гивҳандлик моддасини тайёрлаб истеъмол қилгани етмаганди, бунини воёга етма-

